

2022 й. «26» январдаги Бухоро вилоят болалар кул тармоқли тиббиёт маркази ва  
 МЧЖ «Дори-Дармон» Уртасида 4452464 сўм 55 тийин умумий суммага тузилган  
 № 91 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ


Боб 054  
 Шахсий газна ҳисобварақ 100021860064017073101054003

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури (сўмда)	
	42 52 410 (бюджет таснифининг тегишли коди)	Жами
Январь	4452464,55	4452464,55
Февраль		
Март		
Апрель		
Май		
Июнь		
Июль		
Август		
Сентябрь		
Октябрь		
Ноябрь		
Декабрь		
Жами йил бўйича	4452464,55	4452464,55

Жами 4452464 сўм 55 тийин (Турт миллион турт юз эллик икки миң турт юз олгмиш турт)  
 сўм 55 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 1335739 сўм 37 тийин ёки шартноманинг умумий  
 суммасидан 30% 2022 йил январ ойида тўланиши лозим.



Буюртмачи раҳбари  
 М.У.  
 (месо)

Буюртмачи  
 бош бухгалтери  
 (месо)

А.Д.Курбонов  
 Ф.И.О.

Н.З.Гафарова  
 Ф.И.О.

Ҳазначилик бўлиминининг  
 ходими қабул қилди  
 (месо)

Буюртмачи ходими  
 қабул қилди  
 (месо)

20 \_\_ й. « \_\_ »

20 \_\_ й. « \_\_ »

**ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ №91**

**Бухоро шаҳри**

“26” “январ” 2022 йил

МЧЖ «Дори-дармон» кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади) номидан ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Аҳадов Д.Б. (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Бухоро вилоят болалар куп тармокли тиббиёт маркази (корхона, ташкилот, муассаса номи), (кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади) номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бош врач А.Д. Курбонов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси	НДС		Умумий сумма
						15%	сумма	
1	Аминофиллин инъекция учун эритма 2,4%	уп	50	3450	172500			172500
2	Прокаин инъекция учун эритма 0,5%	уп	500	2863,50	1431750			1431750
3	Дексаметазон инъекция учун эритма 4 мг/мл	уп	100	20506,44	2050644			2050644
4	Гепарин 5000 ХБ/мл	уп	5	151037,91	755189,55			755189,55
5	Уголь активированный таб.250 мг	уп	100	423,81	42381			42381
	<b>жами</b>							<b>4452464,55</b>

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 2022 йил «31» «январгача»

**2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 4452464 сум 55 тийин (Турт миллион турт юз эллик икки минг турт юз олтиш турт) сум 55 тийинни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 1335739 сум 36 тийин, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 3116725 сум 19 тийин яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил «31» январгача амалга оширилади.

2.3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

**3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

**4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдоридан неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдоридан жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 3.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдоридан жарима тўлайди:

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдоридан, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома Газначилик бошқармаси руйхатидан утгандан сунг қонуний кучга киради ҳамда 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

## 7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2016 йил 22 декабрдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан руйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси Коидалари”га ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг – товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда руйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибидан ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

